

## **“АЛ-МУСТАСФО” АСАРИДА ҚҮЛЛАНИЛГАН МАНБАЛАРНИНГ ИФОДА ЭТИЛИШИ**

*Абдурахманова Наргиза Тахировна*

*Ўзбекистон халқаро ислом академияси “Ислом тарихи ва манбашунослиги*

*IRCICA*” кафедраси 3-босқич таянч докторанти

*nargizatoxirqizi@gmail.com*

**Аннотация:** Мақолада машҳур имом, атоқли муфассир, факиҳ Ҳофизиддин Абул Баракот Насафийнинг “ал-Мустасфо” асарида қўлланилган манбалар ҳақида маълумотлар берилган. Алломанинг мазҳаб олимлари қўллаган ва ўзига хос бўлган манбалари баён этилган.

**Калит сўзлар:** шарҳ, истилоҳ, манба, атама, масала, матн.

Фиқхий асарларда ҳам бошқа илмларда бўлгани каби ўзига хос истилоҳ ва иборалар мавжуд. Баъзи манбаларда бундай истилоҳларни кўпроқ, айримларида эса камроқ учратиш мумкин. Бундай истилоҳлар шарҳловчининг услуби ва мақсадини баён этади.

Абул Баракот Насафий “ал-Мустасфо” асарида маъноларни ифодалаш учун баъзи фиқхий истилоҳлар ҳамда манбалардан фойдаланган. Улар муаллифнинг ўзига хос ҳамда мазҳаб уламолари қўллайдиган атамалардан иборат.

Насафий “ал-Мустасфо” да қўллаган манбаларини ифода этиш учун бир қанча иборалардан фойдаланган. Масалан, “ал-Асл” (الاصل) деб Имом Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбонийнинг “ал-Мабсут” (المبسوط) асарини назарда тутган. Асар муаллифнинг бошқа китобларидан олдин тасниф этилгани учун “ал-Асл” деб номланишига сабаб бўлган [1: 68].

“Ал-Асл” асарида Абу Ҳанифанинг фатво берган масалалари тўпланган. Абу Ҳанифа берган масалаларга Абу Юсуф ҳамда Муҳаммад қарши чиқишиган бўлса, у

ҳам қайд этилган. Хилоф бўлмаган тақдирда эса бу уч имомнинг иттифоқ қилган масалалари ҳисобланган.

“Ал-Жомеъ” (*الجامع*) номи билан аксарият ўринларда Мұхаммад ибн Ҳасан Шайбонийнинг “ал-Жомеъу-л-кабир” (*الجامع الكبير*) асарига ишора қилган. Ушбу асар Мұхаммад Шайбонийнинг энг аҳамиятли асарларидан бири ҳисобланади. Унда муаллифнинг ўзи Абу Ҳанифадан ривоят қилган масалалар жам қилинган.

Мазҳаб олимлари “ал-Китоб” (*الكتاب*) деб ҳанафий фиқҳида таянадиган энг машҳур матнлардан бири бўлган “Мухтасару-л-Қудурий” (*مختصر القوري*) асарини назарда тутганлар [2: 1631]. Абул Баракот Насафий ҳам бу иборани мазкур шарҳи ва бошқа китобларида қўллаган. Бироқ баъзи ўринларда “ал-Китоб” деб Абу Қосим Самарқандийнинг “ал-Фиқху-н-нофеъ” (*الفقه النافع*) асарига ишора қилганини учратиш мумкин. Буни ажратиш учун матн мазмунига қаралади.

Насафий “ал-Мухтасар” (*المختصر*) ибораси билан “Мухтасару-л-Қудурий”га ишора қилган. Ушбу асар Абул Ҳусайн Аҳмад ибн Мұхаммад Қудурий Бағдодий (972-1037)нинг ҳанафий мазҳабидаги энг мўътабар китобларидан бири ҳисобланади. “Мухтасар” факиҳлар орасида машҳур бўлган, эътиборли саналадиган матнлардан бири бўлиб, ўзида 12000 фиқҳий масалани жамлаган. Унинг жуда кўплаб шарҳ ва ҳошиялари мавжуд.

Насафий “ал-Мухтасар” ибораси билан баъзи ўринларда “ал-Фиқху-н-нофеъ”ни зикр қилган. Агар бу ибора билан иккисидан бошқа асарни назарда тутган бўлса, унинг муаллифини “Абул Ҳасан Кархий Мухтасари” (*مختصر ابی الحسن*), “Ломиший Мухтасари” (*مختصر اللامشی*) ҳамда “Абу Мусо Зарир Мухтасари” (*مختصر ابی موسیٰ الضریر*) каби номлар билан қайд этган.

Маълумки, ислом тарихида “ал-Мабсүт” номли бир қанча асарлар тасниф этилган. Жумладан, Мовароуннахрнинг буюк фақиҳларидан саккиз нафари “ал-Мабсүт” номи билан фиқҳ илми соҳасида илмий асарлар ёзган. Улардан Фахрул ислом Паздавий “Мабсүт” и 11 жилдлик, шайхул ислом Мұхаммад ибн Ҳусайн ал-Бухорий ал-Ҳанафий “Мабсүти” ва Шамсул аимма Сараҳсий “Мабсүт”и 15

жилдлик бўлган. Ушбу асарлар ислом ҳукукининг барча соҳалари масалаларини қамраб олган бебаҳо мерос ҳисобланади [3].

Насафий шарҳда “Ал-Мабсүт” (*المبسوط*) номи билан учта китобга ишора қилган. Булар фахрул ислом Паздавий, шайхул ислом Мухаммад ибн Ҳусайн Хоҳарзода ҳамда шамсул аимма Сарахсийнинг “Мабсүт”лари бўлиб, аскарият ҳолатларда асарга муаллифининг номини қайд этган. Номи бўлмаган ўринларда шарҳ хотимасида зикр қилинганидек, шамсул аимма Сарахсийнинг “Мабсүт”и назарда тутилган. “Ал-Мабсүт” номи келган аксарият ўринлар шайх, имом, зоҳид, шамсул аимма Сарахсий (Аллоҳ ундан рози бўлсин)нинг асаридан далолат беради” [4:245/a].

Дарҳақиқат, Насафий Сарахсийнинг “Мабсүт”идан жуда кўп ўринларда истефода этган. Чунки ушбу асар фиқҳ бўйича энг муҳим китоблардан саналиб, соҳага оид кўплаб масалалар ва уларнинг ечимлари юзасидан баҳс юритади.

“Ал-Матн” (*المتن*) ибораси орқали ушбу шарҳнинг матни бўлган Абу Қосим Мухаммад ибн Юсуф Самарқандийнинг “ал-Фиқху-н-нофөъ” асарига ишора қилган.

Ҳанафийликдаги кўпгина китоблар “ал-Муҳит” (*المحيط*) номи билан аталади [5:337]. Насафий эса ушбу шарҳда фақатгина Бурхониддин Маҳмуд ибн Аҳмад Бухорийнинг “ал-Муҳиту-л-Бурҳоний” (*المحيط البرهانى*) асарига ишора қилган. Ушбу асар 62 та мустақил китобни ўзида жам қилган ҳамда ибодат ва муомалат масалаларини алоҳида ёритган.

Шундай қилиб, Абул Баракот Насафий “ал-Мустасфо” шарҳида анъана бўлиб ўзидан олдинги асарларда қўлланилган фиқҳий атамаларни истефода этган. Шу билан бир қаторда, ўзига хос бўлган мазҳаб раҳнамолари, фатво, ривоят ва қавллар, манбалар ҳамда ҳукмларга оид истилоҳлардан ҳам фойдаланган.

**Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати:**

1. Муҳаммад Иброҳим Аҳмад Али, Али ибн Муҳаммад ибн Абдулазиз Ҳиндий. Ал-мазҳаб инда-л-ҳанафия ва-л-маликия ва-ш-шафиъия ва-л-ҳанабила. – Кувайт: Визарату-л авқаф ва-ш-шуъуни-л исламийя, 2012. – Б. 68.
2. Ҳожи Халифа Мустафо ибн Абдуллоҳ. Кашфу-з-зунун ан асмаи-л-кутуб ва-л-фунун. Ж. II. – Байрут: Дор ихёи-т-тураси-л-арабий, 1941. – Б. 1631.
3. Н.Юсупова. XII асрда Мовароуннаҳрда яратилган фикҳий асарлардаги оиласвий масалалар таҳлили // <https://moturidiy.uz/uz/news/1396>. 25.06.2022.
4. Абул Баракот Насафий. Ал-Мустасфо. – Туркия: Millet genel kutuphanesi. Қўлёзма. № 847. – В. 245/a.
5. Абдулҳай Лакнавий. Ал-Фаваиду-л-баҳия фи тарожими-л-ҳанафия. – Байрут: Дору-л-арқам, 1998. – Б.337.